| | |
|---|---|
| | 7.Хвостенко В.В. “Энкаустика”, Методическое пособие.М., Сов.Хужодник, 1967 г. 63 с. 2 экз.<br><br>**Интернет сайтлари:**<br>1. www.sarafan.ru;<br>2. www.ocinka.ru;<br>3. www.textile-press.ru;<br>4. www.vgik.info;<br>5. www.pencil.nm.ru;<br>6. www.msus.org;<br>7. www. artacademu.spd<br>5. www. artacademu.spd.ru; |
| 6 | Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Укув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил 14.08 № 3 сонли баённомаси билан маъкулланган.<br>Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14.08 № 418 сонли буйруғи билан маъкулланган фан<br>дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| 8 | Фан/модуль учун маъсуллар:<br>Э.Х. Хаитов Дастгохли рангтасвир кафедраси мудири, доцент |
| 9 | **Такризчилар:**<br>Д.А.Назилов ТАҚИ, профессори, архитектура фанлари доктори, профессор<br>С.Г.Рахметов Дастгохли рангтасвир кафедраси, профессори, Академик, Ўзбекистон халқ рассоми |



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ РАССОМЛИК**
**ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти ректори
Н.Б.Сайфуллаев
2020-йил

“КЕЛИШИЛДИ”
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020-йил “14” “08”

Рўйхатга олинди: № БД 5150800-3.02
2020-йил “14” “08”

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК, РАНГТАСВИР ТЕХНИКА
ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ
ФАН ДАСТУРИ

ФАН ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 100000 - Гуманитар
**Таълим соҳаси:** 110000 - Педагогика
150000 - Санъат
**Таълим йўналиши:** 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)
5111006-Профессионал таълим: Рангтасвир (дастгоҳли)

Тошкент 2020

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Фан/модул коди MatRTT30232 | Ўкув йили 2020-2021 | Семестр 1-7 | ECT8 - Кредитлар 32 |
| | Фан/модул тури Мажбурий | Таълим тили Ўзбек/Рус | | Хафталаги дарс соатлари 4-6 |
| | Фаннинг номи | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| 1 | Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси | 480 | 480 | 960 |

**I.Фаннинг мазмуни**

**Фанни ўқитишдан мақсад** - талабаларнинг Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси фани тўғрисидаги илмий, назарий ва амалий билимларини шакллантириш.

**Фанни вазифаси** – талабаларда "Материалшунослик, рангтасвир техника ва техналогияси" тарихидаги тарақиёт босқичларини, умум жаҳон ва ўзнимизни буюк рангтасвирчи рассомларни асарлари барча жараёнини таҳлил қилиш, иш усулини англаб олиш, аниқлаш бўйича билим кўникмасини ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, бадиий ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий ва ижодий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

**I. II Фаннинг мазмуни**

2 II. Асосий назарий ва амалий қисм (амалий машғулотлар) ПЛ. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

**1-МОДУЛ. "МАТЕРИАЛШУНОСЛИК, РАНГТАСВИР ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ" ФАНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

**1-мавзу. "Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси" фанига кириш.** "Материалшунослик,рангтасвир техника ва технологияси"тушунчаси. "Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси" фанининг мазмуни. Ушбу материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси фани рангтасвирда қўлланадиган барча материалларни ўзида мужасамлаштирган.

**2-мавзу. Дастгоҳли рангтасвир усули.** Мойлива темперали рангтасвир учун таг асос. Рангтасвирга таг асос тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар. Темперали ва мойли рангтасвир таг асоси учун ашёлар.

**3-мавзу. Темперали ва мой бўёқли рангтасвир учун грунтлар.** Грунтлар тузилиши.Матога елим суртиш ва уни ўрни. Асосий қатлам ёки грунтни ҳажми. Грунт учун ашёлар, грунтлар учун боғловчилар, синтетик смолалар эритмаларда ва дисперсияларда. Поливинил спирт (ПВС). Поливинилацетат эмульсия (ПВА). Полибутилметакрилат (ПБМА).

**4-Мавзу. Рангтасвирни оптик асослари.** Ёруғлик ва рангни физик моҳияти. Спектр ва акс этган рангларнинг нури. Асосий ва қўшимча ранглар. Контрасларни бир вақтда ва изчилликда кўриниши. Ёруғлиги ва очиқ тозалиги, қониққан ранглар, рангли тус. Қора ранг тасвиридаги ёруғлиги ва тозалик турли усулда бўёқларни қориштиришнинг оптик асослари (механик, лессировка, фазовий қоришиш). Рангтасвир асарлар мисолида айрим рассомлар ва мактабларнинг рангтасвиридаги ранглар тузилиш усуллари.

**5-мавзу. Бадиий мой бўёқ ва лаклар.** Мой бўёқлар структураси. Уларни таркиби. 16 – 17 аср усталарининг мой бўёкни тайрлаш ва таркибини ўзига хослиги. Бадиий мой бўёқ ва лакларни боғловчи моддалар.Боғловчилар тўғрисида умумий тушунча: рангтасвир бўёқларида боғловчиларнинг мавкеи. Мойбўёқларни физик механик хосликларига боғловчиларни таъсири ҳамда улар билан ишлашда мумкин бўлган қулайликлар.

**2-МОДУЛ. ТЕМПЕРАЛИ ВА МОЙ БЎЁҚЛИ РАНГТАСВИР**

**6- Мавзу. Мойли рангтасвир усули.** Мойли рангтасвирни ривож топиш тарихи ҳақида қисқача маълумотлар. Мой бўёқ қўлланиши тўғрисида дастлабки эсдаликлар. Эски усталар ишлаш услуби, кўпқатламли рангтасвир, "Алла прима" усули. Замонавий рангтасвир услуби. Темпера учун беркитувчи мойли лок. Ўрта асрдаги мойли рангтасвир. Ака-ука Ван Эйклар. Мой бўёқларни таркиби ва камол топиши. Янги бўёқларнинг оммабоплиги ва кенг тарқалиши. Ҳунарни санъатга қарши қўйилиши. Фабриканинг мойбўёқлари. Мойли рангтасвирмаҳорат услубини пасайиб бориши ҳақида. Мойли рангтасвирнинг ҳозирги замон ҳолати.

**7- Мавзу. Темперали рангтасвир.** Темперали рангтасвир усулини тарихий маълумоти. Греция ва Рим антик усталари усуллари. Ўрта аср ва Уйғониш даврининг темперада рангтасвири. Қадимги X-XII аср усталарини темпераси. Ҳозирги замон темпера усули.Темпера учун ашёлар.Темперали рангтасвирда қўлланиладиган таг асос ва грунтлар. (1-2 мавзуга қаранг, ўзига хос томонларини шарҳлаб беринг). Темперани боғловчиси. Эмульсия тузилмаси. Эмульсия фазаси, уни турғунлиги. Эмульсия тайёрлаш. Эмульгаторлар.

**8 –Мавзу. Мойли рангтасвирни сақланиши.** Мойли рангтасвирда ўзгаришлар ва бузилишларнинг асосий турлари, иш жараёнида уларни олдиндан эслитиб ўтиш. Мой бўёқларнинг ранги айниши, хира тортиши, ўчиши, қуриб қолиб ифода этувчи турли сабаблар.

**9- Мавзу. Аралаш усулда рангтасвир.** Темпера ва мойда рангтасвир усули. Мой – казеинли темпера, тугалланиши мой билан. Синтетик

темпера, мой билан тугалланиши. Аралаш усулни имконияти ва ўзига хос хусусиятлари. Асар бақувватлилиги. Сақлаш шарти. Акварель бўёқ ва мой. Усулни ўзига хослиги. Гуашь ва пастел ила тасвир этиш усули.

**10-Мавзу. Мум ва мум смолали рангтасвир. Энкаустика.** Қадимги Миср, Рум ва Грецияда мум (воск) ва мум-смолали рангтасвир усулини тарихий маълумотлари. МДҲ давлатлари ва ғарбда мумли рангтасвир усулини қайта тиклаш.

**11-Мавзу. Фреска сграфито, мозаика, витраж.** Қисқа тарихий маълумот. Византия, Италия, Рус фрескаси. Девор тайёрлаш, сувоқ бериш. Деворга ишлов бериш. Аралашма тайёрлаш ва деворга суртиш. Фреска рангтасвири учун бўёқлар мажмуи. Янги штукатуркада рангтасвир *"а буон фреска"* ва қуруқ штукатуркада – *фреска "а секко"*. Фрескани пухталиги ва сақланиши. Фрескали рангтасвирни замонавий имкониятлари. *Сграфито.* Қисқа тарихий маълумот. Деворларни тайёрлаш. Қоришма тайёрлаш ва деворга суваш асбоблари ва ижро усули.

*Мозаика ва витраж.* Ўзига хос тарихий кўриниш усули, турли рангли каттиқ моддадан асос қилиб қўлланилган смальталар, рангли цементлардан ва бошқа нарсадан. Византия, Флоренция мозаикаси. Витраж теришни ўзига хос томони. Мозаика ва витражни пухталиги ва сақланиши.

**12-Мавзу: Асбоблар ва жиҳозлар.** Материалшуносликда қўлланиладиган мўйқаламлар ва флейцлар классификацияси. Мўйқаламларни сифати ва уларга қўйиладиган талаблар. Мўйқаламларни тозалаш ва сақлаш.

Мастехинлар, шпателлар, мой идишлар, муштабеллар. Тахтача ва курант. Палитралар. Молбертлар. Улар турлари, конструкцияси. Этюдниклар. Зонт ва бошқа мосламалар.

**13-Мавзу: Муҳофазалаш консервациялаш ва таъмирлаш.** Асарнинг замонавий услублари, фото-физик ва кимёвий анализлари билан танишиш. Муҳофаза шарти ва консервацияси. Бевақт синиш, бузилишлардан бадиий асарларни ҳимоялаш ва олдини олишни аҳамияти. Консервациялаш услублари.

*Таъмирлаш*. Асарга профилактик ишлов ўтказиш. Таъмирлаш ишларининг асосий турлари. Асосни қайта тиклаш ва бақувватлаш, грунтни ва бўёқ қатламини дублаш ва реконструкциялаш. Бўёқ қатламини кўчириш. Беркитувчан лакларни тозалаш ва қайта тиклаш.

**14-Мавзу: Елимли, эмульсиясияли, мойли ва ярим мойли грунтлар.**

1. Казеинли грунт (таг асоси мато);
2. Елимли грунт(таг асоси мато);
3. Эмульсияли грунт (таг асоси мато);
4. Ярим мойли ва мойли грунтлар(таг асоси мато).

**15-Мавзу. Синтетик боғловчи билан қўлланиладиган грунтлар**

1. Синтетик грунтлар (таг асоси мато);
2. Синтетик левкаслар (таг асоси каттиқ ёғоч, ДСП);



3. Д.В.П каттиқ асосга синтетик грунт тайёрлаш;
4. Елимли левкас тайёрлаш (таг асоси каттиқ ёғоч, ДСП).

**16-Мавзу. Рангтасвир ва чизматасвир санъат асарларида нусха кўчириш жараёни.** Хар бир талаба хохиш истагига яраша якка тартибда юксак бадиий санъат асарларидан танлаб нусха кўчириш вазифасини тури усулда ва техникада бажаради.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек дарслик, ўқув қўлланмалар факсимил репродуктив материаллар албомлар асл нусха асосида талабалар билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материалдан фойдаланиш, амалда юксак бадиий санъат асарларидан аслида нусха кўчириш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семестр давомида буюк рангтасвир ёки чизматасвир асарларидан нусха кўчириш иши бажарилади.

1. Асар танлаш ва керакли манбаларни адабиётлардан ўқиб ўрганиб изланишлар;
2. Асар учун таг асос тайёрлаш (мато, каттиқ ёғоч ёки ДСП, қоғоз;
3. Нусха кўчириш жараёни.

Семестр давомида буюк рангтасвир ёки чизматасвир асарларидан нусха кўчириш иши бажарилади.

1. Рангтасвир ёки чизматасвир асарларини танлаш, керакли адабиётларни ўқиш;
2. Чизматасвир ёки рангтасвир асарларига таг асос тайёрлаш жараёни;
3. Асосий нусха кўчириш жараёни.

**17-Мавзу. Мумтоз тасвирий санъат асарларидан нусха кўчириш.**

Хар бир талаба хохиш истагига яраша якка тартибда юксак бадиий санъат асарларидан танлаб нусха кўчириш вазифасини тури усулда ва техникада бажаради.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек дарслик, ўқув қўлланмалар факсимил репродуктив материаллар альбомлар асл нусха асосида талабалар билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материалдан фойдаланиш, амалда юксак бадиий санъат асарларидан аслида нусха кўчириш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семестр давомида талаба мумтоз ёки замонавий рангтасвир ёки чизматасвирларни танлаб нусха кўчириш иши бажарилади.

1. Асарга тенг асос тайёрлаш ва адабиётлар ўқиш;
2. Асосий нусха уўчириш жараёни.

Талаба ўзига мақул бўлган материалда: пастел, сангина соус, кўмир, туш ва бошқа материалда вазифа бажаради. Вазифалар табиатда турли фаслда бажарилади. Жанрлар: манзара, портрет. Вазифа.

1. Табиат огушида ягона дарахт ёки бир гурух дарахтлар;
2. Аёл ёки эркак портрети табиат билан боғлик.

### I.III. Мустакил таълим ва мустакил ишлар

Мустакил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1.Материалшунослик, рангтасвир техника ва технология фанининг тутган ўрни ва ривожланиш тарихи.

2.Уйғониш даври италияни рассомлари Микелажело, Рафаэл, Леонардо Да винчи асарларидан нусха кўчириш.

3.Уйғониш даври немис рассоми Албрехт Дюрер чизматасвир асарларидан нусха кўчириш.

4.Пастель, сангина, соус, сепияда бажарилган буюк чизматасвир асарлардан нусха кўчириш.

5.Буюк рангтасвир асарлардан нусха кўчириш.

6.Турли рангтасвир материалларини синаш оркали нусха кўчириш иши бажариш.

3

### II. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

– фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш.
– материалшунослик, рангтасвир техника ва технологиясига оид кўрсаткичларни таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш.
– ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш.
– материалшунослик, рангтасвир техника ва технологиясига оид грунтлаш жараёнини тўғри акс эттира олиш.
– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш.
– таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш.
– ўрганилаётган фан тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

ўрганилаётган жараёнларни тўлиқ таҳлил этиш ва амалда қўллай олиш.

4

### III. Таълим технологиялари ва методлари:

- амалий машғулотларни бажариш;
- гурухларда ишлаш;
- индивидуал лойиҳалар;
- жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.

5

### IV. Кредитларни олиш учун талаблар:



Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақидамустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топширикларни бажариш, якуний назорат бўйича амалий ишларни кўрикда намоён этиш.

6


### V. Асосий адабиётлар

1. Virgil Elliott. "Traditional oil painting". Elektron variant. NY., "Watson-Guptill Publication". 2007 y. 225 p.
2. Richard Schmid "Alla Prima II". Elektron variant. USA., 2013 y. 193 p.
3. Артиқов Ғ.А. "Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси". Ўкув қўлланма. Тошкент "INFO CFPITAL GROUP" 2018 йил.
4. Артиқов Г.А. "Рангтасвир техникаси ва ашёлар технологияси", Ўкув қўлланма. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т. 2007.-71 б.
5. Artiqov G'.A. "Rangtasvir texnikasi va ashyolar texnologiyasi" , O'quv qo'llanma. T., Sharq, 2007 y. 72 b. 4 nusxa.
6. Xudayberganov R.A. "Rangshunoslik asoslari", O'quv qollanma. T., Nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2006 y. 92 b. 3 nusxa.

### Қўшимча адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. Электрон ресурс. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Артиқов Г.А. "Рангтасвир асарларидан нусха кўчиришдаги изчиллик", Методик қўлланма. Т., 1998 й. 26 б. 1 нусха.
3. Абдуразаков А.А. «Реставрация настенных росписей Афрасиаба» Методическое пособие.Т., Фан, 1975.-63 б. 5 экз.
4. Алешин А.Б. "Реставрация станковой масляной живописи в России, Развитие принципов и методов",Методическое пособие.Л., Художник РСФСР, 1989 г. 160 с.
3.Бергер Э. "История развития техники масляной живописи",Методическое пособие.М., Акад. Художеств СССР, 1961 г. 512 с.1 экз.
4.Горин И.П., Черкасова З.В. "Реставрация произведений станковой масляной живописи",Учебное пособие для средн.худож. заведений.М., Исскуства, 1977 г. 223 с. 2 экз.
5. Волков Н.Н "Цвет в живописи",Методическое пособие.М., Исскуство,1984 г. 320 с. 2 экз.
6. Волков Н.Н "Композиция в живописи",М., Искусство", 1977 г. 2т. 2 экз.